

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Олам нурга тўлсин сен билан,  
**Наврўз!**

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат



Форум

Соғломлаштириш оромгоҳлари:

## ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК

Айни вақтда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг масъул вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида ўтказилаётган болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш соҳасини ривожлантиришга бағишланган Халқаро форумда иштирок этишмоқда.

Форум давомида вакиллари- миз Хитойдаги қатор номдор оромгоҳларда бўлиб, улардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

- Сафар чоғи хитойлик мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашидик, - дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир Раҳматилла Қорабоев. - Шу аснода охириги йилларда юртимизда болаларни соғломлаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб бердик. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан Федерация қошида тузилган Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти уларда катта қизиқиш уйғотди.

Хитой Халқ Республикаси ташаббуси билан уюштирилган форумда, шунингдек, оромгоҳлар ярмаркалари ҳам ташкил этилди. Унда Россия, Хитой ва бошқа давлатлардан икки юзга яқин оромгоҳ қатнашди. Қувонарлиси, Ўзбекистон номидан илк марта «Анор» болалар оромгоҳи иштирок этди. Оромгоҳ раҳбарияти йиғилганларга дам олиш масканидаги шароитлар, мавсум давомида болаларга кўрсатилаётган хизматлар, уюштирилаётган маданий-маърифий тадбирлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтишди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кўп йиллардан буён ўз тасарруфидаги оромгоҳлар ва соғломлаштириш марказларини жаҳон андозалари асо-



Узбекистон Халқаро форумда

Узбекистон Халқаро форумда

сида қайта таъмирлаш, жиҳозлаш, янгиларини бунёд этиш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Ва бунинг натижасида мақтанишга арзиғулик катта ютуқларга ҳам эришилди. Ишончимиз комилки, Хитойда бўлиб ўтаётган бу форум ҳам оромгоҳлар бўйича келгусида амалга ошириладиган ишларимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Тадбирда Хитой Халқ Республикаси Болалар оромгоҳларида таълим институти ҳамда Федерация қошида тузилган Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти раҳбарияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»

Аслида энг яхши кўшиқ, энг яхши ашъор, юракларга етиб бориб уни жунбишга келтирадиган хо-ниш Ватан ҳақида-гисидир. Чунки унда жамики эзгуликлар, ўлмас урф-одатлар ва анъаналар, тирикликнинг қайноқ на-фаси уфуриб туради. Айниқса, бу ашъорлар Ватан ҳимоячи-лари тилидан ян-граса, янада қиймати ошади. Пойтахтимиз-даги «Туркистон» санъат саройида бў-либ ўтган «Ватан манзумаси» номли кечада бунга гувоҳ бўлдик. Тантанали тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Фе-дерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирок этди. Ти-зимда меҳнат қила-ётган ишчи-ҳодимлар мазкур тадбир меҳ-монлари бўлишди.



Мудофаа ва Маданият вазирилик-лари, Езувчилар уюшмаси, Кине-матография агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда истеъдодли ижодкорлар томонидан тайёрлан-ган маърифий дастур одатий то-мошалардан фарқ қилиши, театр-лаштирилган композициялар асосида тайёрлангани билан эъти-борни тортди. Ватан ва она халқи-мизга муҳаббат туйғуси улуғлан-ган, томошабинларнинг маънавий оламини юксалтирадиган шеърлар ўқилди, жанангдор куй-қўшиқлар ижро этилди.

Аскарларнинг ҳаяжонли қа-самёд онлари, машаққатли ва му-раккаб машғулотлар, йигитлик бур-чига содиқ жасур ўғлонларнинг шиддат билан мақсадга интилиб бо-раётгани, чегараларимиз дахлсиз-лигини ҳимоя қилиш учун зарур би-лимларни эгаллашга интилишлари, замонавий қурол-аслаҳаларни бошқариши, хорижий тилларни ўр-ганиши таъсирчан лавҳаларда на-мойиш этилди. Жалолиддин Ман-губерди номдаги ҳарбий лицей ва «Темурбеклар мактаби» ўқувчила-

рининг чиқишлари, улар ижроси-даги ҳарбий кўшиқлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмади.

Ватан ҳимояси йўлида халқ бўлган ҳарбийларнинг фарзанд-лари ўз оталари ҳақида гапир-ганда томошабинлар кўзларида ёш қалқиди. Бугун ўзлари ҳам оталари изидан бориб, Ватанга садоқат билан хизмат қилишгаётганини фахр билан тилга олишди.

Дастурда ўзбек хотин-қизлари-нинг Ватан ҳимоячиларини тар-биялаш, керак бўлса, бу йўлда ўз-лари ҳам мардонавор фидойиликка тайёр эканликлари жасур опа-син-гилларимиз, жумладан, Зебо Ғание-ва сингари халқимизнинг қаҳрамон фарзандлари ҳамда бугунги ши-жоатли аёллар тимсолида ифода этилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ва-тан манзумаси» қалбларимизда шу юрт, шу эл фарзандлари эканимиз-дан бахтиёрлик туйғусини янада жўш урдирди.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА  
«ISHONCH»



Эъзоза УМУРЗОКОВА олган суратлар

Анжуман









# «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ» ЎҚУВ ФАНИ ЭСКИ, ЗЕРИКАРЛИ ВА САМАРАСИЗ ЭДИ

«Ishonch» gazetасининг 2024 йил 27 февралдаги 27-сонида «Жисмоний тарбия машғулоти керакмасми?» деган савол Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига йўлланган эди. Ушбу саволга қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:



### Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига! ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШЎУЛОТЛАРИ КЕРАКМАСМИ?

Мамлакатимизда олий таълим даражасида жисмоний тарбия машғулоти дериҳ ўтказилмайди. Талабалар биринчи курснинг эриш йилликдагина ушбу дарсларга қатнашади, ҳолбуки, ушбу йилнинг қолган қисмида ёшлар фақат назарий ва амалий сабақларга берилади.

Жисмоний ҳаракатлар кишига тектилик ва саломатлик бахш этади. Тавсия соғлом кишининг билим олишига шунингиз боғлиқ бўлади. Ахир ўқувда ўқувчи талабадан кўра, кўзалари чақнаб турган, руҳан ва жисмонан тотик талабанинг маъруза тинглагани самаралироқ бўлмасми?

Ҳўш, нима учун Олий ўқув юртилари таълим дастурларида жисмоний тарбия дарслари ҳескин қамайтилган?

Тошкент шаҳри

Хусния ШОКИРОВА

ва молиявий мустақиллигининг ҳуқуқий асосини белгилади.

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади таълим сифатини ошириш, талаба-ёшларга замонавий, мукаммал билим, кўникма ва касбий компетенцияларни бериш ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардош мутахассис бўлиб меҳнат бозорига дадил кириб боришини таъминлашдир.

Албатта, ушбу жараёнда барча ўқув дастурлар, машғулоти, шу жумладан, «Жисмоний тарбия» ўқув фани ҳам қайта кўриб чиқилди. Кўп ҳолларда ушбу ўқув фани эски, давлатимиз мустақиллигидан олдинги даврда шаклланиб қолган, зерикарли ва самарасиз мазмунда ўтказиб келинган эди. Энг муҳими, у асосий мақсад талаба-ёшларни жисмоний маданият ва спортга қизиқиши ва интилишини ошириш вазифасини бажаролмасди.

Шу сабабли бу борадаги жаҳон тажрибасига мурожаат қилиб, талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишини мақсадли спорт ўйинлари, олимпиада, мусобақалар, спорт анжуманлари, синфдан ташқари машғулоти, тўғарақлар ва стартап тадбирлари оммавий ва тизимли ўтказилишига асосий эътибор қаратилди. Бу борада олдинги даврга нисбатан талабалар шугулланганидан спорт турлари сони кескин ошди. Талабалар ўз хоҳиш-ис-

тақла-рига мувофиқ спорт турлари билан шугулланиши имкониятига эга бўлди. Жисмоний тарбия ва спорт билан талабалар энди мажбурий даражасида бўйича эмас, балки ўзлари учун қулай пайтда шугулланишига шароит яратилди. Энг муҳими, тизимли ўтказилаётган спорт ўйинлари, мусобақалар ва спорт анжуманлари талабалар жамоасида соғлом рақобат ва беллашув руҳини юзага келтирди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг спортга қизиқиши даражаси янада ошишига сабаб бўлди...

...Газетада қўйилган саволга жавоб берар эканмиз, айни пайтда олий таълим тизимида жисмоний маданият ва спортга талабаларни жалб этиш, уларни жисмоний бақувват бўлиши ва соғлом турмуш тарзида интилишини таъминлаш қорига қайд этилган ёндашув асосида амалга оширилиши олдинги даврга нисбатан ўз самардорлигини исботлаганини эътироф этишимиз керак. Дунёдаги аксарият етакчи олий таълим муассасалари талабалар жисмоний маданият ва спорт билан шугулланиши айнан шундай амалга оширилиши ушбу ёндашув энг самарали эканини тасдиқламоқда.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг биринчи ўринбосари

К. КАРИМОВ



«Ishonch»  
жавоб берадилар...

«Ishonch» gazetасининг 2024 йил 27 февралдаги 27-сонида чоп этилган «Урганч шаҳрида ҳам жамоат транспорти хизмати яхшиланадими?» сарлавҳали мақолада Урганч шаҳридаги жамоат транспорттидаги муаммолар ҳақида сўз юритилган эди. Ушбу мақолага Хоразм вилояти транспорт бошқармасидан қуйидаги жавоб хатини олдик:

# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНАДИ



Хоразм вилояти ҳўналигини  
Урганч шаҳрида ҳам жамоат транспорт хизмати яхшиланадими?

«Ishonch» gazetасининг 2024 йил 5 мартдаги 30-сонида чоп этилган «Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди бор...» сарлавҳали мақолада «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг 2023 йилдаги мурожаатларини эътиборсиз қолдирган давлат идоралари ва ташкилотлар рўйхати эълон қилинган эди. Уларда келтирилган ҳолатлар юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигидан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

Ҳўш, нима учун Олий ўқув юртилари таълим дастурларида жисмоний тарбия дарслари ҳескин қамайтилган?

Жисмоний ҳаракатлар кишига тектилик ва саломатлик бахш этади. Тавсия соғлом кишининг билим олишига шунингиз боғлиқ бўлади. Ахир ўқувда ўқувчи талабадан кўра, кўзалари чақнаб турган, руҳан ва жисмонан тотик талабанинг маъруза тинглагани самаралироқ бўлмасми?

Ҳўш, нима учун Олий ўқув юртилари таълим дастурларида жисмоний тарбия дарслари ҳескин қамайтилган?

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади таълим сифатини ошириш, талаба-ёшларга замонавий, мукаммал билим, кўникма ва касбий компетенцияларни бериш ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардош мутахассис бўлиб меҳнат бозорига дадил кириб боришини таъминлашдир.

Хоразм вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи  
Р. БАБАЕВ

# ҲАМИША ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁРМИЗ

«Ishonch» gazetасининг 2024 йил 5 мартдаги 30-сонида чоп этилган «Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди бор...» сарлавҳали мақолада «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг 2023 йилдаги мурожаатларини эътиборсиз қолдирган давлат идоралари ва ташкилотлар рўйхати эълон қилинган эди. Уларда келтирилган ҳолатлар юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигидан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

Ҳўш, нима учун Олий ўқув юртилари таълим дастурларида жисмоний тарбия дарслари ҳескин қамайтилган?

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади таълим сифатини ошириш, талаба-ёшларга замонавий, мукаммал билим, кўникма ва касбий компетенцияларни бериш ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардош мутахассис бўлиб меҳнат бозорига дадил кириб боришини таъминлашдир.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари  
ДАДИЛОВ

кинми?» мавзусидаги мақола юзасидан 2023 йил 13 сентябрда 01/4-06/9070-сонли жавоб хати юборилган.

Таъкидлаб ўтқокчимизки, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ОАВДА кўтарилган қурилиш ҳамда коммунал соҳага тааллуқли ҳар қандай масалага жиддий эътибор қаратади ҳамда муаммо ечими борасида амалий ҳаракатга киришади. Вазирлик ахборот хизмати соҳага оид жамоатчилик фикри ва ОАВ вакилларининг фуқаролик позициясини юксак қадрлаб, ҳамиша ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қиламиз.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари  
ДАДИЛОВ



## МАЙСАЖОН

Бир ўнай, деб узиб кўйибман сени,  
Кўзларимга чизиб кўйибман сени,  
Ўзим билмай эзиб кўйибман сени,  
Қадамимни қайга қўйай, майсажон,  
Учолмасам, нима қилай, майсажон.

Нозиклигинг ўтлар солар дилимга,  
Сўз устига сўзлар келар тилимга,  
Сен юр, десанг кетаверай ўлимга,  
Сиригини айт, мен ҳам билай, майсажон,  
Учолмасам, нима қилай, майсажон.

Тонг сахардан кўзингда ёш нимаси,  
Атрофингни қуришаган тош нимаси,  
Воҳ, нозигим, эгилган бош нимаси,  
Дардларингга қалқон бўлай, майсажон,  
Учолмасам, нима қилай, майсажон.

Илдизингни ўпиб ётар чаשמалар,  
Мафтун бўлиб кўкда қўйи тамшанар,  
Бўлмақ бўлар бари сенга охинолар,  
Ошиқларинг талай-талай, майсажон,  
Товонингни кимга тўлай, майсажон,  
Учолмасам, нима қилай, майсажон.

Хосият БОБОМУРОДОВА



## Аёл!

Сенга тоғлар бардошин берган,  
Қоялар саботи сенда муҳасам.  
Тонглар таровати сендадир тугал,  
Сен буюк бир зотсан, азиз, мукаррам.

Чиройинг ром этар беҳисоб дилни,  
Бир олам нафосат сендадир фақат.  
Сени буюк қилмиш, сийламиш обдон,  
Бетакрор ижодкор – она табиат.

Назм эли васфинга ёзди газаллар,  
Достонлар тўқилди шаънинга тақрор.  
Аммо битилмади таърифинг буткул,  
Ҳали сенга қанча бахшидалар бор.

Сенсиз маъно қолмас ҳаётда асло,  
Сенсиз роҳат, ором бўлмас ҳеч дилда.  
Саодат қўйиш шуъла сочгайдир,  
Сен қадам қўйган ҳар қутлуғ манзилда.

Ниҳонинг эритар ҳар не кўнглини,  
Ширин каломингда маъно бир дунё.  
Сен борки, севги бор, севилоклик бор,  
Сен борки, муруват бўлмагай рўё.

Тоғлар қоясида кезган оҳулар,  
Бир умрга сенинг кўзингга асир,  
Қадрингга етмаган ҳар қандай кимса,  
Уволингга қолар, у-ку, бетаъсир...

Баҳордек бокира, бўлоқдек шаффоф,  
Покиза туйгулар пок қалбингга жо.  
Ҳурматингни доим бошига қўйиб,  
Аёл, сенга таъзим қилувчи дунё!

Икромжон  
Аслий-АНДИЖОНИЙ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Баҳорий анжамани байрами – Наврўзи олам билан азиз  
юртдошларимизни ва инсон саломатлиги йўлида чин дилдан меҳнат  
қилаётган тиббиёт ходимларини самимий қутлайди!  
Сиз, азизларга ҳаминша саломатлик, хотиржамлик ва  
меҳур-оқибат туйғуларни ҳамроҳ бўлинг!  
Барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқшинга тилакдошимиз.

*Байрам муқоррак бўлсин!*



## ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

сизларни Наврўзи олам билан  
муқоракбод этади!

Барча юртдошларимиз учун ушбу  
йил барокотли, умид ила таниланган  
ҳар бир қадами эса ўз ижобий  
натижаларига эга бўлсин!

Ҳаётингиздаги бахтийёр онларингиз  
ошангиз, дўстлар даврасида ўтсин!


Битмас-туғанмас бахт,  
соғлиқ ва мўл-қўлчилик  
Сизни асло тарк этмасин!



## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

қутлуғ айём – Наврўз билан  
барчани табриклайди!

Қўйи ўз қурлари ила хонадонингизга  
баҳорий илиқлик ва чексиз қувонч олиб  
келсин. Дастурхонингиздан  
тўқин-сочинлик аримасин!  
Омад, муваффақият ва бахт  
ҳаётингизни тарк этмасин!  
Шу қутлуғ кунларда қадалган  
уруғлар мўл-қўл ризққа,  
экилган ниҳоллар сервиқор дарахтга  
айлансин, қилган ҳар бир  
яқини тилакларингиз амалга ошсин!





### «САЁХАТ САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Наврўз айёми билан юртимиз ақлини ва асиз меҳмонларни самимий қутлайди!  
Сизга бузун, эртага ва келгусида ҳам яқин инсонларингизнинг меҳр-оқибатларидан  
баҳраманд бўлиш бахти насиб этсин!  
Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, ўзаро меҳр-муҳаббат туйғулари ҳеч қачон тарқ этмасин!  
Келгуси ишларингизда ҳамма омад ёр бўлишини тилаймиз!*



### Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ЖАМОАСИ

*Табиат уйғониб, гўзал диёримизга  
барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган  
Наврўзи олам кириб келди.  
Шу тароватли кунларда барча  
юртдошларимизни  
Шарқона Янги йил билан самимий  
муборакбод этамиз.  
Ҳаётингиз баҳор тонгидек тинч,  
бахтли ва фаровон бўлсин!  
Наврўзи оламнинг қадами қутмуғ  
ва барақали келсин!*



### «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*Баҳорий кўклам, янгиламани  
фасли – Наврўзи олам билан  
барчани табриклайди.  
Сизга чин қалбдан оилавий бахт,  
тинчлик-тотувлик ва фаровон ҳаёт  
насиб этганига тилаждошимиз!  
Қувонч ва бахт-саодат  
хонадонингизни асло тарқ этмасин!  
Баҳорнинг илиқ кунлари билан  
ташриф буюрган  
Наврўз байрами қутмуғ бўлсин!*

#### Қашқадарё вилояти

Қамаши туманидаги 66-мактабда 49 нафар ходим ишлайди. Жамоа унчалик катта бўлмаса-да, касабакўм етакчиси Дилафрўз Атамуродовнинг бўш вақти деярли йўқ. Дарсларини ўтиб бўлгач, педагоглар ташвиши билан банд. Ҳар кун турфа хил масала чиқиб туради. Масалан, Дилфўза Намозовнинг турмуш ўртоғи вафот этди. Муқаддам Тоғаева кўзини «операция» қилдирди. Нигора Худойқулова эса соғлиғини тиклаш илинжида кўмак сўради.

#### Бошланғич ташкилотларда

### ПЕДАГОГЛАР РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА

Атамуродова мурожаатлар бўйича тармоқ касаб уюшмаси Қамаши тумани Кенгашига маълум қилиб, ходимларга моддий кўмак берилишига эришди. Шунингдек, касаб уюшмалари кўмагида фидойи устозлар Қосим Бекмуродов ҳамда Рустам Тоғаев «Қашқадарё соҳили» санаторийсида саломатлигини тиклаган бўлса, илғор муаллимлар Мусаллам Арзиева ва Дилором Мирзаевалар Хоразмга саёхат қилишди. Ўз касбининг усталари Лола Тоштемирова, Муборак Маззакова, Бахтиёр Чориев, Сарвиноз Кеъжаева, Шаҳноза Панжиёва касаб уюшмасининг эсдалик совгалари билан тақдирланишди. Жамоадаги эҳтиёжманд ходимларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Яқинда бўлиб ўтган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилишига бағишланган йиғилишда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари адолатли ҳимоя қилинаётганига алоҳида урғу берилгани ҳам бежиз эмас. Йиғилишда қатнашган Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Қамаши тумани кенгаши раиси Феруза Абдурахмонова Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳақида мухтасар тўхталиб, буни жамоа шартномасида акс эттириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

#### Тошкент шаҳри



Ёш авлоднинг шахс сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, комил тарбияси мактабгача таълим ташкилотларидан бошланади. Мурғак қалблар билан олиб бориладиган педагогик жараён уларнинг жамиятда қандай ўрин эгаллаши, етуқликка эришишига тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

#### Мактабгача таълим

### «ИЛК ҚАДАМ» ВА «ИЛМ ЙЎЛИ» ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА

Сергели туманидаги «Ширинтой» номли 564-давлат мактабгача таълим ташкилоти ана шундай мақсад билан фаолият юритиб келяпти. Масканда 35 нафар педагог ходим меҳнат қилади. Бугунги кунда боғчамизда 7 та анъанавий ва 1 та мажбурий бепул мактабга тайёрлов гуруҳи ташкил қилинган. Уларда 210 нафар болажон тарбияланипти, - дейди муассаса раҳбари Лобар Салимова. - Таълим-тарбия жараёни «Илк қадам», «Илм йўли» дастурлари асосида олиб борилади. Боғчамизда зарур шарт-шароитлар яратилган. Мунтазам байрам тадбирлари ташкил этилади. Ёз ойларида турли спорт ўйинлари ўтказамиз. Тарбиячиларимизнинг педагогик маҳоратларини ошириш учун улар ўртасида ҳам кўнгилочар мусобақалар уюштирилади. Боғчада Ота-оналар қўмитаси фаолияти яхши йўлга қўйилган. Қўмита маҳалла, мактаб ва кузатув кенгашлари билан ҳамкорликда кўрик-танловлар ўтказиб келади. Ҳар йилнинг 15 май санасида Халқаро оила кун муносабати билан Ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорликда болажонларнинг ўз қўллари билан ишланган «Оиламга энг яхши совғам» мавзусидаги кўрик-танлов ўтказиб келинади. 1 июнь арафасида ўқув йили якуни бўйича мактабга тайёрлов ва катта гуруҳ тарбиячилар иштирокида «Хайр боғчам» тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдир. Мактабгача давр боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганиш, билишга иштиёқи кучли бўлган давр ҳисобланади. Айнан шу даврда боланинг баркамол шахс сифатида ривожланиши учун улкан пойдевор қўйилади.

Раъногул УБАЙДУЛЛАЕВА

Кўкдан ёгилгани селми, раҳматлар,  
Чақмоққа айланиб зангор суратлар,  
Кўксингда унгани жондай роҳатлар –  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Осмон чақмоқларин ёққани яхши,  
Камалак бўлгани, оққани яхши,  
Минг битта меҳрлар таққани яхши –  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Ялпизлар севинча айланиб кулса,  
Лолалар қадаҳи гулобга тўлса,  
Ичганинг шакару олганинг бўса –  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Чорлаган боғларми, қирларми, дала,  
Қушларга ўхшаган юрагим бола,  
Терганинг чучмома, исмамоқ, лола...  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Шамолнинг ишлари кўпайган чоғи,  
Қизариб-бўзариб олма ёноғи  
Гулларга тўлгани иссиқ кучоғи –  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Бағримми осмонга айланган тагин,  
Осмонми, бағримда гўмбурлаб чақин,  
Оламнинг кўзида чақмоқлар чаққан –  
Наврўзга етганинг муборак бўлсин.

Абдулхай НОСИР,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими



## Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси жамоаси

юртдошларимизни яшарини  
ва яинани айёми – Наврўзи олам  
билан самимий қутлайди.  
Энг самимий тилакларимизни  
Сиз, азизларга йўлаймиз:  
ҳар бир хонадонда, бутун эл-юртимизда  
тинчлик-хотиржамлик бўлсин!  
Барчанинг эзгу ният ва  
мақсадлари амалга оқсин!

Наврўзи олам  
барчамизга муборак  
бўлсин!

**МУАССИС:**  
O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalar  
Federatsiyasi

ISSN 2020-0020 2007-yil  
11-yanvarda  
O'zbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida 116-raqam  
bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Доверие»  
gazetalari  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV  
(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

**Hududlardagi  
muhbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi –  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-90) 080-93-38  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati –  
(+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati –  
(+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati –  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati –  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan  
ma'lumotlarda manba  
sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.  
**Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtali nazardan  
farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrirlar:**  
A. Haydarov,  
S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:**  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

**Sahiflovchi:**  
H. Abdullajilov

**Boshiga topshirish vaqti** – 20:30  
**Topshirildi** – 21:00

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:** ishonch1991@gandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning  
kompyuter markazida  
terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 087 ta  
Shundan:**  
**7431 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasi –  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi,  
41-uyda;

**19 182 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ  
bosmaxonasi –  
Samarqand shahri,  
Spitameno ko'chasi,  
270-uyda;

**8474 nusxasi**  
«Poligraf-Press»  
MCHJ bosmaxonasi –  
Marg'ilon shahri,  
Turkiston ko'chasi,  
236-«b» uyda  
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
**Buyurtma 164**

1 2 3 4 5 6

**Хусусий бизнесни  
ривожлантириш,  
тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш  
янги-янги иш ўрин-  
лари яратишга,  
халқ фаровонлигини  
оширишга хизмат  
қилади.**

**Давлатимиз  
раҳбарининг 2023  
йил 14 сентябр-  
даги «Кичик биз-  
несни ривожлан-  
тиришни молиявий  
ва институцио-  
нал қўллаб-қувват-  
лаш чора-тадбир-  
лари тўғрисида»ги  
қарори кичик биз-  
несни қўллаб-қув-  
ватлашда «узлук-  
сиз хизматлар зан-  
жирини яратишга  
асос бўлди. Қарорга  
асосан мамлакатим-  
из ҳудудидида 14 та  
кичик бизнесга қў-  
маклашиш ҳудудий  
марказлари таш-  
кил этилиб, уларда  
комплекс хизмат-  
лар кўрсатилиши  
назарда тутилган.  
Бу вазифа янгидан  
ташкил этилган  
Бизнесни ривож-  
лантириш банки –  
АТБга юклатилди.**

**Қарор ижроси-  
нинг ҳудудларда  
амалга оширилиши  
эсараёни билан та-  
нишиш, ушбу қў-  
лайликлардан наф-  
қўраётган тадбир-  
корлар билан учра-  
шиш мақсадида Ан-  
дижон вилоятида  
пресс-тур ташкил  
этилди.**

**Пресс-турнинг  
дастлабки манзили  
Андижон шаҳри-  
нинг Кичик биз-  
несга қўмаклашиш  
ҳудудий маркази  
бўлди. ОАВ вакил-  
лари марказ фаоли-  
яти билан яқиндан  
танишдилар.**

**Андижон  
вилояти**

**Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЗЛУКСИЗ ЗАНЖИРИ ЯРАТИЛМОҚДА



Ушбу марказда тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумотлар шаклланиб, уларнинг мақсадлари ва бизнес режалари яқиндан ўрганилади. Жумладан, кичик бизнес лойиҳаларини танлаш, молиялаштириш, ахборот билан таъминлаш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, бозор топиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилади.

Марказ бизнес вакиллари нафақат моддий қўллаб-қувватлайди, балки тадбиркорлар фаолиятида асқатадиган қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида ўқитилади. Шунингдек, тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализация қилишда, ички ва ташқи бозорларга йўналтиришда кўмак берилади.

Талабгорлар дастурда иштирок этишлари учун марказга онлайн ариза юборишади. Унда камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган яққа тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, хунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортик кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар иштирок эта олади. Дастур талабларидан келиб чиқиб сараланган, ишончли тадбиркорларга асосий ставкага тўрт фоиз кўшилган ҳолда имтиёзли давр билан 7 йилгача имтиёзли кредитлар берилади.

– Қисқа курсларда ўқиган талабгорларнинг билимлари тест орқали синовдан ўтказилади. Ижобий натижаларга эришганларга сертификатлар берилади. Шу ҳужжат билан уларга гаровсиз, уч йиллик имтиёзли кредитлар ажратилади, – дейди марказ раҳбари Самандар Ҳожисултонов.

Ушбу лойиҳа доирасида 8 та хизмат тақдим этилади. Икки турдаги имтиёзли кредитлар, ўқув курслари, иқтисодий ва ҳуқуқий консултациялар шулар жумласидандир. Марказ талабгорларининг хоҳишига кўра,



лик кредитни қўлга киритди. Ушбу маблағни янги ускуналар сотиб олишга сарфлади ҳамда учта иш ўрни яратди.

Избоскан тумани «Зарбдор» маҳалласида истиқомат қилувчи Муслимаҳон Сотволдиева ҳам мазкур марказда ўқиб, сертификатга эга бўлди. 100 миллион сўмлик кредитни оилавий тадбиркорлигига сарфлаб, янги ускуналар сотиб олди. Эндиликда турмуш ўртоғи Хушнудбек Сотволдиев билан биргаликда болалар ва катталар оёқ кийимларини ишлаб чиқармоқда. Ойига 20 миллион сўм даромад кўриб, маҳаллий бозорга сифатли оёқ кийим чиқариш билан бир каторда, оиласига даромад киритмоқда. Бунинг устига, яна янги иш ўринлари яратмоқда.

Умуман олганда, бизнесни ривожлантиришга қўмаклашувчи мазкур лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши аҳоли ҳаёти яхшилашига хизмат қилмоқда.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**  
«ISHONCH»

Хизматлар лицензияланган.